

## БОШЛАНҒИЧ СИНФ АҚЛИ ЗАИФ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛИГИНИ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ

Абдуназаров Абдумутал Олимович  
ЖДПУ Педагогика-психология ва муסיқа йўналишларида  
масофавий таълим кафедраси мудири  
Abdumutal517@mail.ru

**Калит сўзлар:** Махсус таълим, ақли заиф, имконияти чекланган, ижтимоий ҳаёт, инклюзив таълим, коррекцион, сенсор машқлар.

**Ключевые слова:** Специальное образование, умственно отсталые, инвалиды, социальная жизнь, инклюзивное образование, корректирующие, сенсорные упражнения.

Бошланғич синф ақли заиф болаларнинг ижтимоий ҳаётга тайёрлигини ўрганишга ҳамда мазкур болаларнинг атроф оламда ҳаракатланиши, нарса буюмлардан фойдаланиши, предметларнинг номи, белгиларини билиши ва ўзлаштирганларини ҳаётий вазиятларда қўллашларини ўрганиш мақсадида тажриба-синов ишлари мазмунини ишлаб чиқдик. Дастлаб амалиётда самарали қўллиниб келинаётган анъанавий методлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги боис, уларни ўрганиш ва самарадор деб топилган усулларида фойдаланишга эътибор қаратдик.

Маълумки, соғлом болалар каби ақли заиф болалар учун ҳам таълимнинг илк даврлари комплекс ривожланишнинг муҳим даври бўлиб, бола шахсини шаклланишини илк ёши ҳисобланади. Бу даврда улар тенгдошлари билан мулоқоти ташкилий жиҳатдан мураккаб кўринган ўзаро муносабатларни пайдо қилади ва бола шахси ривожланишига таъсир кўрсатади. Бошланғич синф ақли заиф болаларнинг ички олами ўзгача бўлиб, бошқа болалар ва катталар олами билан боғлиқ бўлади. Ақли заиф боланинг ёши катта бўлган сари, у тенгдошлари билан кўпроқ мулоқотга интилади ёки бу жараёндан қочади. Ақли заиф бола учун бошланғич таълим даври ҳам жамоавий сифатларни шаклланишидаги сензитив давр ҳисобланади, шунингдек, бошқа одамларга инсоний муносабатларни уйғотади. Агарда бу сифатларнинг асоси оилада ва мактабда шаклланмаса, бола шахси ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бунинг оқибатида бола ривожланишида тўсиқлар рўй беради. Бу ёшда билиш фаоллиги ортиб боради: идрок, кўргазмали тафаккур ривожланади, матникий тафаккур куртаклари пайдо бўлади. Билиш имкониятларининг ўсиши хотира, ихтиёрий диққат ҳосил бўлишига олиб келади. Бошланғич таълим даврида ақли заиф болада атроф-олам ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўлади, атрофдаги воқелик ва ҳодисаларнинг оддий ўзаро алоқадорлиги қонуниятларини англаш кўникмаси шаклланади шунингдек, олган билимларини мустақил равишда амалий фаолиятида қўллай оладилар.

Ақли заиф болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда нутқий ифодалардан фойдаланиш муҳим роль ўйнайди. Чунки нутқ орқали ақли заиф бола турли фаолият турларига киришади. Бошланғич синф ақли заиф ўқувчилар сўзлар орқали берилган ҳаракатлар-топшириқларни бажарадилар, педагогнинг тушунтириши асосида нарсаларнинг номлари ва белгиларини ўзлаштирадилар. Натижада ақли заиф бола ушбу нарсалардан кундалик ҳаётда қўллашга зарур кўникмаларни эгаллайди. Энг муҳими бу жараён кўргазмали бўлиши талаб этилади. Ақли заиф боланинг англаши-ҳиссий билиши кўргазмали тафаккур орқали пайдо бўлади. Бошланғич синф ақли заиф болада идрок, кўргазмали ҳаракатли ва кўргазмали образли тафаккур шаклланади, унинг билиш имкониятларига қараб, фаолиятнинг келгусидаги ривожланиши, нутқи кўпроқ юқори босқичга чиқсада, мантиқий тафаккур шаклланининг ҳосил бўлиши секин кечади. Санаб ўтилган психик жараёнлар ақли заиф боланинг ижтимоийлашувини ўрганишда ва албатта ижтимоий ҳаётга тайёрлашда муҳим саналади.

Бошланғич синф ақли заиф болалар махсус таълим ташкил этилган ўқув тарбиявий фаолият орқали янги фаолият турларини, яъни ўйин, тасвирий (сенсор машқлар), таълимий фаолият элементларини эгаллайдилар. Ақли заиф болаларга бошланғич синфларда ўқитиладиган фан асосларини ўргатишнинг ҳамда пировардида ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг муҳим ва етакчи усули бу ўйиндир.

Бошланғич синф ақли заиф болаларни махсус ташкил этилган коррекцион-педагогик жараёнда ижтимоий ҳаётга тайёрлашда кузатиш усули ҳам педагог учун ва албатта ўқувчи учун кенг қўлланлади. Биз кузатишнинг интеграцион шаклини тавсия этмоқдамиз. Чунки ақли заиф бола интеграцион муҳитда ўзини тутиши, атрофдагилар билан мулоқотини ўрганиш вазиятида турли фаолият эгасига айланади. Натижада кузатиш объекти боланинг турли фаолиятларига йўналтирилади. Дарс ва машғулотлараро боғлиқлик ҳам мазмунан ҳам ташкилий жиҳатдан олиб борилади. Педагоглар ва тарбиячилар қўйилган вазифалар ва шароитларни ўқув фаолиятига мос келишини таъминлашлари ҳамда натижага эришишнинг самарали йўлларини аниқлашлари талаб этилади. Машғулотларда белги ва символлардан фойдаланиш, ўрганилаётган жараён ва объектларни моделини яратишда самара беради, шунингдек, ўқув ва амалий вазифаларни ечишнинг турли йўллари аниқланади.

Педагог, тарбиячилар ва ота-оналар ақли заиф болаларни ўқитиш ва тарбиялаётган вақтларида, аввало уларнинг психологик томонларига таъсир қиладилар. Бошқача қилиб айтганда, ўқув-тарбиявий ҳамда коррекцион таъсир орқали ақли заиф ўқувчиларнинг хотирасини, диққатини, фикр ва туйғуларини ўстиришга ҳаракат қиладилар. Бу ўринда ақли заиф болалар психологиясига оид назарий маълумотларга эътибор қаратиш лозим. Ушбу маълумотларнинг аҳамияти шундаки, агар педагоглар ва ота-оналар ақли заиф боланинг психик тараққиётига хос қонуниятларни ва бола шахсига хос хусусиятларни билмасалар, болалар онгини ўстириш ишига тўғри

раҳбарлик кила олмайдилар. Маълумки, махсус мактаб-интернатларида энгил ва ўрта даражадаги ақли заиф болалар таълим оладилар. Улар орасида дадил, кувноқ болалар билан бир қаторда ўжар, инжик, тортинчок, камгап болалар ҳам учраб туради. Бу нарса педагог учун турли характердаги болалар билан бир хил муносабатда бўлиш имконини бермайди. Лекин педагог, тарбиячининг асосий вазифаларидан бири-ўзига ишониб топширилган имконияти чекланган болаларнинг ҳаммасида замон талабига муносиб бўлган шахс сифатларни ўстириб, тарбиялаб беришдир. Бундай вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун болаларни бир-биридан ажратиб турувчи индивидуал фарқларни ҳамда бундай фарқларни келтириб чиқарувчи сабабларни билиш зарур бўлади. Бу эса, ўз навбатида, болалар психологияси, хусусан махсус психологиядан яхши хабардор бўлишни тақозо қилади. Маълумки, коррекцион психология ногирон бола психикасининг тараққиёти ҳамда унда шахсий сифатларнинг юзага келишига таъсир қилувчи омилларни ҳам ўрганади.

Бугунги кунда махсус психология ва педагогика фанларининг олдида бир қанча муҳим назарий ва амалий вазифалари турибдики, улар ақли заиф болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш амалиёти учун жуда зурур ҳисобланади:

1. Бошланғич синф ақли заиф ўқувчиларга хос бўлган психологик хусусиятларни, яъни уларнинг идрокига, сезги-туйғуларига, диққатига ва хотирасига, нутқи ва тафаккурига, ҳаёлига, иродасига хос хусусиятларни ўрганиш.
2. Ақли заиф боланинг психик тараққиётига фаол таъсир қилувчи омилларни аниқлаб бериш.
3. Турли ёшдаги ақли заиф болаларнинг ривожланишига хос бўлган физиологик, психологик қонуниятларни уйғунликда ўрганиш.
4. Ақли заиф бола шахсига хос бўлган психологик хусусиятларни бола яшаб турган муҳит таъсирида ўрганиш.
5. Мактабда муваффақиятли ўқиш учун болада ўқишга мотивацияни кучайтириш йўллари аниқлаш ва бу жараёнга оилаларни кенгроқ жалб қилиш.
6. Таълим жараёнида боланинг мустақил, ижодий, фаол фикрлашини шакллантиришга йўналтирилган сенсомоторик ёндашувларни аниқлаш ва жорий этиш.
8. Турли ёшдаги болаларнинг психик тараққиёти хусусиятларига доир билимларни ўқитувчилар, ота-оналар, яъни жамоатчилар ўртасида кенг ёйиш, жамоатчилик фикрларини ўрганиш, ўрганиш натижалари асосида комплекс таъсир йўллари ва воситаларини такомиллаштириш.

Ақли заиф болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жараёнида педагогика, психология ва валеология тамойиллари уйғунлашади, уларнинг воситаларидан интегратив фойдаланиш талаб этилади. Шунинг учун биз тадқиқот давомида ақли заиф болаларнинг ижтимоий ҳаётга тайёрлигини ўрганишда айнан психологик, педагогик ва ижтимоий педагогика усуллари ҳамда тамойилларидан интегратив ҳолда

фойдаланишга эътибор қаратдик. Маълумки, махсус психологиянинг амалий вазифаси - кенг жамоатчиликнинг ногиронлиги бўлган бола руҳий тараққиёти, ёш даврлари хусусиятлари орасидаги фарқлар ва уларга индивидуал муносабатда бўлиш йўллари, руҳий тараққиёт қонунларига доир психологик билимлардан баҳраманд бўлишларини таъминлашдан иборат.

Махсус психологиянинг ривожлантирувчи вазифаси, аввало болаларнинг психик ривожланишини таъминловчи ижтимоий муҳитни мақсадли йўналтиришга қаратилади. Мазкур муҳитда соғлом ва таълимда алоҳида эҳтиёжи бўлган болалар, хусусан ақли заиф ўқувчиларда ҳам психик жараёнлар идрок, диққат, мантикий-образли хотира, тафаккур, нутқий ва коммуникатив кўникмалар, хаёл, кузатувчанлик, қизиқувчанлик намоён бўлади. Демак ақли заиф болаларнинг ижтимоий ҳаётга тайёрлигини ўрганиш методикасини амалиётга жорий этишда ижтимоий муҳит ва унда бола ҳаракати моделларини таҳлил қилиш муҳим саналади.

Санаб ўтилган вазифалар орасида муҳим ижтимоий аҳамият касб этувчи вазифа бу ўқув, коррекцион ва тарбиявий вазифалардир. Улар асосида ақли заиф болаларда ақлий, ахлоқий, эстететик, жинсий, экологик, меҳнат, жисмоний, гендер, ҳуқуқий, гигиеник ва бошқа тарбия йўналишларига оид сифатларнинг шаклланганлиги кузатилади, аниқланган муаммолар бартараф этилади. Жумладан, ақлий тарбия усул ва воситаларини қўллаш жараёнида болаларда атроф олам ҳақидаги тизимли билимлар шаклланганлиги ўрганилади. Бунда ақли заиф болаларда дунёқарашнинг элементар шакллари пайдо бўлиш ҳолатлари сифат ва миқдор жиҳатдан ўрганилади. Ақли заиф болаларнинг ижтимоийлашувидаги муҳим бўлган нарса буюмларнинг номлари, қисмлари ва белгиларини фарқлаш имкониятларини таҳлил қилиш шароити яратилади. Болаларда мавжуд бўлган бу имконият луғат орқали математик ҳисоб-китобни амалга ошира олиш кўникмаларини кузатиш учун таянч муҳит саналади.

### Адабийотлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги “2022 — 2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ 60-сонли Фармони
1. Қодирова Ф.Р. Мактабгача ёшдаги болаларнинг иккинчи тилга ўргатишнинг лингводидактик асослари. Дисс. Пед.фан.док. Т.: -2006-360 б.
2. Махмудова Д. Й.. “Махсус таълим муассасалари тарбияланувчиларига малакали психологик хизмат кўрсатишнинг педагогик шарт-шароитлари”. П.ф.н. дисс. Автореф. Тошкент, 2007 йил, 20 б.
3. Абдуназаров, А., & Кенжаев, Н. INNOVATIVE METHODS OF STUDYING THE SOCIAL ADAPTATION OF MENTALLY RETARDED CHILDREN. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR), 285.